



FOLK PERCEPTIONS OF JINNS

Shakhnoza Khusanboevna Rakhimova

Independent Researcher

Urgench State University

sh.rakhimova@mail.ru

Urgench, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: jinns, folk perceptions, mythology, folklore, religious beliefs, traditional culture, oral folk tradition, spiritual values.

Received: 03.02.26

Accepted: 04.02.26

Published: 05.02.26

Abstract: This article examines folk perceptions of jinns as an important component of traditional worldview and oral folk creativity. The study analyzes the mythological, religious, and cultural aspects of the image of jinns in popular beliefs, as well as their role in shaping spiritual values and explaining unexplained phenomena. Special attention is given to the representation of jinn-related beliefs in folklore, legends, narratives, and everyday superstitions. The article also provides a comparative analysis of folk beliefs and religious sources, identifying the specific features of interpreting this phenomenon within its cultural context.

ЖИНЛАР ҲАҚИДА ХАЛҚ ҚАРАШЛАРИ

Шахноза Хусанбоевна Рахимова

Мустақил тадқиқотчиси

Урганч давлат университети

sh.rakhimova@mail.ru

Урганч, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жинлар, халқ қарашлари, мифология, фолклор, диний эътиқодлар, анъанавий маданият, оғзаки халқ ижоди, маънавий қадриятлар.

Аннотация: Ушбу мақолада жинлар ҳақидаги халқ қарашлари анъанавий дунёқараш ва оғзаки халқ ижодининг муҳим таркибий қисми сифатида таҳлил қилинади. Жин образининг халқ эътиқодларидаги мифологик, диний ва маданий жиҳатлари, уларнинг маънавий қадриятларни шакллантиришдаги ҳамда тушунтириб бўлмайдиган ҳодисаларни

изохлашдаги ўрни ўрганилади. Халқ оғзаки ижодида, афсона ва ривоятларда, шунингдек, маиший эътиқодларда жинлар ҳақидаги тасаввурларнинг акс этишига алоҳида эътибор қаратилади. Мақолада халқ эътиқодлари ва диний манбалар ўртасида қиёсий таҳлил ҳам олиб борилиб, ушбу феноменнинг маданий контекстдаги талқин хусусиятлари аниқланади.

НАРОДНЫЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ О ДЖИННАХ

Шахноза Хусанбоевна Рахимова

Независимый исследователь

Ургенчского государственного университета

sh.rakhimova@mail.ru

Ургенч, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: джинны, народные представления, мифология, фольклор, религиозные верования, традиционная культура, устное народное творчество, духовные ценности.

Аннотация: В данной статье народные представления о джиннах рассматриваются как важная составная часть традиционного мировоззрения и устного народного творчества. Анализируются мифологические, религиозные и культурные аспекты образа джиннов в народных верованиях, их роль в формировании духовных ценностей и объяснении необъяснимых явлений. Особое внимание уделяется отражению представлений о джиннах в фольклоре, легендах, преданиях, а также в бытовых поверьях. В статье проводится сравнительный анализ народных верований и религиозных источников, что позволяет выявить особенности интерпретации данного феномена в культурном контексте.

Кириш. Тарихдан маълумки, ибтидоий одамлар узоқ даврлардан бери фойдали ва зарарли, яхши ва ёмон, эзгу ва ёвуз руҳлар таъсири остида ўзининг ожизлигини сезиб ёки англаб, кўрқув туйғулари таъсирида ҳар хил йўллар билан барча табиат кучлари (кейинчалик ижтимоий кучлар)ни илоҳийлаштириб, уларни хурматлашга, “жаҳлини чиқармасликка”, раҳмдил бўлишга, ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилиб, турли-туман хатти-ҳаракатларни бажарган. Ҳозирги кунгача Фарғона водийси ўзбекларининг тасаввурида руҳлар, ўз табиатига кўра, ёвуз ёки ёмон ҳамда эзгу ёки яхши каби турларга бўлинади. Бундай дуалистик қарашларга кўра, руҳлар инсонга ё ижобий, ё салбий таъсир

кўрсатади. Ёвуз руҳлар, гўёки инсон танасига кириб олиб, унинг ҳаётига хавф солади, соғлигига зиён етказди, яхши руҳлар эса аксинча, инсоннинг барча фаолиятига кўмаклашиб, унга хизмат қилади, соғ-лом сақлайди[1].

Асосий қисм. Шомон ўз фаолияти жараёнида руҳларга алоҳида эътибор қаратган. Руҳларга ишониш шомонликнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Ўзбекларда қадимдан руҳларга дуалистик (икки ёқлама қараш) муносабатда бўлиш натижасида ҳамда одамга бўлган муносабатига қараб улар икки тоифага ажратилган. Биринчи тоифага ҳомий ёки яхши руҳлар: парилар, чилтонлар, момолар; иккинчисига эса ёмон руҳлар: алвастилар, жинлар, “суқ” ва “зиён” каби руҳлар кирган.

Кўплаб тадқиқотчилар одамларнинг руҳларнинг кўриниши ва характерида қараб муносабатда бўлганликларини қайд этганлар. Манбаларда эзгу руҳларнинг ҳомийси – Улген, ёвуз руҳлар ҳомийси – Эрлик номи билан қайд этилган[2]. Одамлар эзгу руҳларга сиғиниб, уларга бағишлаб қурбонлик қилганлар, ёвуз руҳлардан сақланиш мақсадида турли тадбирлар белгилаб, дуо-аф-сунлар ўқиганлар.

Фарғона водийси ўзбекларида қадимдан руҳларнинг икки тоифаси ҳам инсон ҳаётига, жумладан, унинг оилавий-маиший турмушига муайян бир ҳолатда аралашшига қисман ишонч мавжуд бўлган. Шу сабабдан ҳам маҳаллий аҳоли ёмон руҳлар етказадиган зиённи яхши ёки ҳомий руҳлар воситасида бартараф этишга ҳаракат қилганлар.

Фарғона водийси ўзбеклари дунёқарашида кенг тарқалган ёвуз руҳлардан яна бири жиндир. “Жин” истилоҳининг этимологияси турлича талқин қилинади. “Жин” сўзи асли араб тилидан олинган бўлиб, “тўсилган, одамлар кўзига кўринмайдиган” деган маънони англатади[3]. Жин – Шарқ мифологикаси ва демонологик тасаввурларига кўра, хилват жойларда киши кўзига одам тимсолида кўриниб, гўё уни бирор дардга чалинтириб (масалан, оғзини қийшайтириб) кетадиган афсонавий махлуқ ҳисобланади[4].

“Жин” ва сўзлари арабларнинг узоқ ўтмиши, Қуръон нозил бўлмасдан анча олдин, арабларнинг уруғчилик босқичи, диний ҳаёти билан боғлиқ даврларга бориб тақалади. Зеро, у пайтларда араблар жинларни махфий аниқ бўлмаган худолар ёки бўлмаса, уларнинг насаби илоҳий бўлиши керак деб қарар эдилар. Шунингдек, улар жинларни олам ва одамлар устидан ҳукмдор деб билишар, кўзга кўринмасликлари сабабли ўз ҳукм ва истакларини инсонлар орасидаги фолбин ва мунажжимлар орқали халққа етказдилар, деб ўйлар эдилар. Бинобарин, қадимий араблар нотаниш жойларга кўчиб бориб ва уларга ўша жойларда яшаш тўғри келиб қолса, бу арабларнинг айниқса, бадавийларнинг чорвачилик ҳаёти учун ўта муҳим, ҳаётий зарурат эди, улар албатта ўша жойнинг “ер

эгаси” – жинга илтижо қилишган, ундан ўзлари қўн-ган жойларда яшаш учун рухсат сўраганлар, бунинг эвазига унга атаб катта–катта қурбонликлар қилганлар. Акс ҳолда, жинлар ўзларини турли хил бало–қазоларга дучор қилиши мумкин, деб ҳисобланган[5].

Филолог А. Жуманиязовнинг фикрича, бундан тасаввурлар нафақат арабларда, балки араб бўлмаган халқларда, жумладан, форсларда ҳам мавжуд бўлган[5]. Марказий Осиё халқлари мифологияси ва диний тасаввурларида жинлар одамлар кўзига кўринишлари, унга яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилиши мумкинлиги акс этган. Жумладан, Андижон вилояти Избоскан туманидаги Янгиқишлоқда яшовчи Мавлуда бахши одамлар жинлар билан учрашиш оқибатида уларнинг оғзи қийшайиб қолиши ёки оёқ–қўли шол бўлиб, бирор дардга чалиниши мумкинлигини эътироф этди[6].

Исломда “Ғайб олами” деган фалсафий тушунча мавжуд. “Ғайб олами” дейилганда, асосан, фақатгина Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган тушун-чага айтилади ва нариги дунёни ҳам тушунилади. Ғайб оламидаги махлуқот-лар “жинлар” деб аталади. Исломда жинларнинг мавжудлиги муқаддас китобларда ҳам қайд этилган, лекин уларда муайян жинс мавжуд эмаслиги, мабодо эҳтиёж туғилиб қолса, жинлар ҳам эркакка ва ҳам аёлга айлана олиш каби хусусиятларга эга. Жинларнинг таналари тоза оловдан яралган боис кўзга кўринмайди, бироқ уларнинг ҳар доим кўра олишлари, яъни одамзод ўзининг бутун умри давомида жинлар назоратида бўлади[7].

“Дунё халқлари мифлари” энциклопедиясида келтирилишича, жинлар Аллоҳ томонидан тутунсиз оловдан яратилган, ҳаво ҳамда оловли танага эга бўлган ақлли мавжудот ҳисобланади. Жинлар турли қиёфага кириш қудратига эга, ҳар қандай оғир юмушнинг уддасидан чиқа оладиган махлуқотдир[8]. “Мифологик луғат”да ёзилишича, жинлар тожик, ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз ва қозоқлар асотирларидаги ёмон руҳлардан бири бўлиб, у ўз қиёфаси ва қадди-қоматини ўзгартира оладиган аёл ёки турли ҳайвонлар қиёфасида одамлар кў-зига кўринади. Жинларнинг яшаш жойлари сифатида кўпроқ култепалар ҳам-да вайрона жойлар кўрсатилган[9].

Фарғона водийси ўзбеклари орасида жинлардан сақланишнинг усуллари мавжуд эканлиги тўғрисида турли хил тасаввурлар мавжуд. Масалан, Фарғона вилояти Данғара тумани Сойшилдир қишлоғида яшовчи Сумбула бахшининг фикрича, жинлардан сақланишнинг энг кенг тарқалган усули – доимо калима айтиб юришдир. Шундай қилинса, жинлар инсонга илашмаслиги мумкин[10]. Жинлардан сақланишнинг яна бир усули, киши ухлаганда ёстиқ остига пичоқ, қалампир, нон, бошдан юқори томонга “Қуръони карим”ни қўйиб ётиши лозим. Ана шунда жинлар ухлаётган одамга зиён етказа олмайди, деган тасаввурлар водий ўзбеклари орасида сақланиб қолган[11]. Бундан

ташқари, янги туққан аёлни қирқ кун чиллада сақлаш, кўчага чиқармаслик, ҳатто хо-надон соҳибини бемаҳалда, масалан, шомдан кейин гўдак ётган уйга кирит-маслик каби тақиқлар ҳозир ҳам мавжуд. Чунки, водий аҳолиси орасида тар-қалган тасаввурларга кўра, жинлар шомдан кейин сайрга чиқиб, улар ўз йўли-да учраган жонзотларга илашиши мумкин. Ўз ўрнида шуни таъкидлаш лозим-ки, юқоридаги табулар замирида ёш чақалоқни турли бало-қазолардан асраш каби эзгу ниятлар мужассамлашган.

Ўз ўринда шуни эътироф этиш мумкинки, алвастилар ва жинлар ҳақидаги қарашлар фақат қадимий диний эътиқодлардагина эмас, балки жаҳон дин-ларида, жумладан, исломда ҳам мавжуд. Жумладан, Қуръони каримда ало-ҳида “Жин” сурасининг мавжудлиги фикримизнинг исботидир. Қуръони Карим оятларидан шу нарса маълумки, жинларни Аллоҳ таоло оловдан ярат-ган бўлиб, улар алвастилар каби кўзга кўринмас махлуқотлардир. Шу ўринда жинлар масаласи акс этган Қуръон оятларидан қуйидагиларни мисол сифати-да келтириш мумкин: “Эй, Муҳаммад, айтинг: Менга ваҳий қилиндики, жин-лардан бир гуруҳи (менинг Қуръон тиловат қилганимни эшитишиб, ўз қавм-ла-рига қайтиб боришгач), дедилар: “Дарҳақиқат, бизлар Ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол иймон келтирдик. Бизлар энди Парвардигоримизга ҳаргиз бирон кимсани шерик қилмасмиз”[12].

Немис олими Карл Локоч “жин” сўзини “шайтон”, “руҳ” каби маънолари борлигини қайд этган[13]. Демак, жинлар этимологияси тўғрисидаги халқона атамалар дунё олимлари томонидан ҳам эътироф этилган. Инглизларга “жин” сўзи асосан, араб мифологияси орқали таниш, бу сўз замирида инглизлар сеҳрли кучга эга бўлган руҳни тушунадилар, одатда эса жинлар дейилганда шиша ёки чироқ ичида яшашга маҳкум этилган мавжудотлар инобатга оли-нади[14]. Жинга нисбатан бундай муносабат Марказий Осиё халқлари анъа-навий диний қарашларида ҳам акс этган. Жумладан, О. Муродовнинг ёзиши-ча, Ўрта Зарафшон воҳаси тожиклари “жинлар”ни, одатда қари кампир ёки эч-ки кўринишида тасвирлаганлар. Жинларнинг асосий мақсади, одамларни йўл-дан оздириб, руҳий касалликка дучор қилишдан иборат деб ҳисобланади[15].

О. А. Сухареванинг қайд этишича эса, XX аср бошларида Самарқанд то-жиклари жинни “инс–жинс” ёки “жин” номлари билан юритган[16]. “Инс–жинс” атамаси араб тилидан олинган бўлиб, “инс” – одам, “жинс”– афсонавий махлуқ деган маъноларни билдирган[17]. Сайрам қорамуртларида ҳам руҳ-ларни умумий ном билан “инсу жинс” деб аталган ва улар руҳларнинг ёвуз-ларини “зиён”, “зиёнқаш”, “бало” деб ҳисоблаб, ундан ҳимояланиш чора-ларини кўрганлар[18]. “Дев ва жинлар бор нарса, – дейди Наманган вилояти Чортоқ тумани Короскон қишлоғида яшовчи Муҳаммадjon бахши биз

билан суҳбат жараёнида. – Одамлардаги аксарият касалликлар шулар туфайли юзага келади. Улар ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Уларнинг зиёни ҳар кимга ҳар хил ҳолатда таъсир кўрсатади. Касални даволаш учун унинг танасидан ва руҳиятидан ёвуз руҳларни ҳайдаш керак”[19]. Ушбу тасаввурлар йиллар ўтиши билан ўз маъносини йўқотган ва кейинчалик умумий руҳларга нисбатан ишлатила бошланган.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Хоразм ўзбеклари “инс–жинс” сўзи ўр-нига “жин” сўзини қабул қилганлар. Тоғли тожикларнинг қадимий уруғлари, ўзбекларнинг айрим гуруҳлари (масалан, Тошкент ўзбеклари) “жин” сўзи ўрнига “ажина” атамасини қўлайдилар. Бундай тартиб қозоқларнинг айрим этник компонентларида ҳам учрайди[20].

Г. П. Снесаревнинг эътироф этишича, Хоразм аҳолиси дарахтларнинг айрим турлари жинлар яшайдиган макон деб ҳисоблаганлар. Бундай дарахт-лар сирасига жийда, ёнғоқ, туронгил ва тут кирган. Шунинг учун бундай дарахтларнинг тагида дам олиш, овқатланиш ва ухлаш мумкин бўлмаган[21]. Водийда ёнғоқ тагида ухлаш энг беҳосият иш ҳисобланган[22].

Наманган вилояти Уйчи тумани Файзиобод қишлоғида яшовчи Маҳмуда Отахонованинг таъкидлашича, жинлар ўз болаларини одамларнинг тирноқ-лари орасида сақлайди. Шунинг учун одамларга тирноқларини ўз вақтида олиб юриш тавсия этилади[23]. Бу одат ўзининг тарихий илдизларига эга бўлиб, “Авесто”да тирноқларни олгандан сўнг уни ит, мушуклар ковлаб чиқара олмайдиган даражадаги чуқурликка кўмиш буюрилган[24]. Чунки, халқона тасаввурларга кўра, кўмилган тирноқлар қиёмат куни инсоннинг ўзига пан-жара бўлади[25].

Водийда “жин чалиб кетибди, оғзи қийшайиб қолибди, кўзига ажина кў-ринибди”, деган гаплар учраб туради. Бундай маълумотлар одамлар орасида ваҳима ва кўрқув уйғотиши табиий ҳол. Агар шундай ҳолат рўй берса, тезлик билан муллаларга уч кун давомида дам солдирилади. Ана шундан кейингина бемор шифо топиши мумкин деб ҳисобланади[26].

Этнолог А. Ашировнинг фикрига қараганда, ўсимлик уруғларининг куч-ли ҳиди шайтон, жин, девларни ҳайдаб юборади деган тасаввурлар Фарғона водийси ўзбеклари орасида кенг тарқалган. Ривоятларга кўра, жинлар ўз хид-ларини сезиб, бу хидлар ўз қардошларидан келяпти деб ўйлаб, одаларга нис-батан ёвузлик қилмайди[27].

Жинлар тўғрисида шундай хулоса қилиш мумкинки, улар исломдан олдинги арабларнинг тасаввурлари маҳсули бўлиб, Қуръонда одамлардан олдин соф оловдан яратилган “Аллоҳнинг махлуқлари” деб аталган. Бу ҳақда Қуръонда шундай оят бор:

“Инсонлардан бўлмиш (айрим) кишилар жинлар-дан бўлмиш кимсалардан паноҳ тилашар, уларга эса янада ҳаддан ошишни зиёда қилур эдилар”[28]. Ўз ўрнида шуни эътироф этиш керакки, исломни қабул қилган жинлар мусулмонлар тасаввурида парини девлар билан эмас, балки одамлар билан жуфтлаб, “пари ва инсонлар” деб талқин қилинади.

Хулоса. Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, руҳлар билан боғлиқ қарашлар дунёнинг кўпгина халқлари мифологияси ва шомонлик муаммоси акс этган тадқиқотларда ёритилган. Туркий халқларнинг исломгача бўлган тасаввурларида бир хил, исломдан сўнгги қарашларида бошқа бир шакл ва кўринишларда сақланиб келаётган шомон руҳлари водий ўзбеклари урф-одатлари ва анъанавий дунёқарашида ўз аксини топиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Улуғнор тумани Дўстлик қишлоғи. 2025 йил; Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Калвак қишлоғи. 2010 йил
2. Расоний Л. Тарихда турклар. – Истамбул, 1986. – Б. 22..
3. Ислом. Энциклопедия... – Б. 81.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Рус тили ва адабиёти, 1981. – Т. 1. – Б. 280.
5. Жуманиязов А. Жинлар генийларми // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2009. – №3. – Б. 70.
6. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Избоскан тумани Овул қишлоғи. 2009 йил
7. Жуманиязов А. Жинлар генийларми ... – Б. 72.
8. Мифы народов мира. – М.: Наука, 1980. Т. 1. – С. 56–60.
9. Мифологический словарь. – М.: Наука, 1990. – С. 25.
10. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Сойшилдир қишлоғи. 2024 йил.
11. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Балиқчи тумани Мирзабошчек қишлоғи. 2023 йил
12. Куръони Карим. “Жин” сураси. 1–2 оятлар.
13. Карл Локоч. Этимологик луғат. – Гейделберг., 1927. – Б. 86.
14. Жуманиязов А. “Жинлар” генийларми ... – Б. 73.
15. Муродов О. Древные образы ... – С. 139–140.
16. Сухарева О. А. Пережитки демонологии ... – С. 36.
17. Сухарева О. А. Пережитки демонологии ... – С. 37.

18. Тайжанов К, Исмаилов Х. Особенности доисламских верований ... – С. 110–138.
19. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чортоқ тумани Короскон қишлоғи. 2024 йил.
20. Сухарева О. А. Пережитки демонологии ... – С. 36.
21. Снесарев Г. П. Реликты ... – С. 27.
22. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Қўштепа қишлоғи. 2024 йил.
23. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Уйчи тумани Файзиобод қишлоғи. 2025 йил.
24. Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. – Тошкент: Мерос, 2001. – Б. 18
25. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2011 йил.
26. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қайқи қишлоғи. 2025 йил.
27. Аширов А. А. Ўзбек халқининг... – Б. 192.
28. Куръони Карим. – Жин сураси. 6-оят.